

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: ББК: 67.400.6

ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН ЭРГАШ ЎФЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ДОИМИЙ
КОМИССИЯЛАРИ: ҲУҚУҚИЙ МАҶОМИ
ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МУАММОЛАРИ**

**12.00.02 – Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурӣ ҳуқуқ;
молия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертациянинг**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



ТОШКЕНТ-2004

ЗЧС (С52) (043.3)

1174

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат қурилиши
ва ҳуқуқ» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

Юридик фанлар доктори, профессор
Азизхўжаев Алишер Аббосович

Расмий оппонетлар:

Юридик фанлар доктори, профессор
Бобоев Ҳалим Бобоевич

Юридик фанлар номзоди
Камалова Дилфузада Ҳоджиакбаровна

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Адмия
вазирлиги. Республика юристлар
малакасини ошириш маркази

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси кошидаги фан доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.005.10.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгашининг
2004 йил Алмажон соат 11:00даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кучаси, 45)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Диссертация автореферати 2004 йил Забурада тарқатилади.

Бирлашган Ихтисослашган
Кенгаш котиби, соц.ф.д.


А.Ж.Холбеков

I. Диссертациянинг умумий тавсифи

Диссертация мавзусининг долзарбилиги доимий комиссияларнинг халқ депутатлари Кенгашлари вазифаларини амалга оширишдаги алоҳида ўрни билан белгиланади. Улар халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини мунтазам ва самарали ташкил этиши, фуқароларнинг ундаги иштирокини таъминлаши лозимлиги туфайли ижтимоий – иқтиносий ва сиёсий ҳаётда ҳамда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланишида мухим роль ўйнайдилар. Ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ижроси, ҳудудлар салоҳиятидан тўла фойдаланиш, кундалик муаммоларни ҳал қилиш ва фуқаролар ташаббусини қўллаб – қувватлашда намоён бўлаётган сусткашлик комиссияларнинг ишини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, Ўзбекистонда маҳаллий бошқарувни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кўплаб илмий тадқиқотларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши ва қўмиталари томонидан тегишили норматив актларни тайёрлашда атрофлича таҳдил қилинди. Бироқ, уларда халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига етарли даражада аҳамият берилмаган. Ҳолбуки, айнан доимий комиссиялар фаолиятининг таҳдили маҳаллий ҳокимият органлари вазифаларининг самарали бажарилиши билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг ечимини топишга имконият яратади.

Бутунга қадар Ўзбекистон ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий вакиллик органларида доимий комиссиялар тўла шакллантирилган. Лекин уларнинг ўз ваколатларига доир масалаларни кўриб чиқиши, фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштироки, депутатлар масъулияти ва жавобгарлиги Кенгашилар «Иш тартиби» ва «Доимий комиссиялар тўғрисида»ти низомларда аниқ белгиланмагани маҳаллий ҳокимият органлари ишида жиддий камчиликларни келтириб чиқармоқда. Депутатларнинг ижро органлари устидан назорати ҳамда қонунларни бажаришдаги нуқсонлар¹ Президент Ислом Каримов томонидан ҳам кўп марта таңқид қилинган эди. Ушбу муаммоларни изчил ҳал қилиш доимий комиссиялар фаолиятига бағишлиган тадқиқотларнинг

¹ Мисол учун қарғанг. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи 2004 йил 2 июн, ўша муаллиф. Эл-юргита ҳалол. вижданан хизмат қилиши ҳар бир раҳбарнинг мұхадас бўрчи Халқ сўзи. 2004 йил 26 май

илмий – назарий ва, айниқса, юксак амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар динамикаси жамиятдаги ўзгаришларни доимий комиссиялар томонидан оператив равишда илғаб олиш, энг долзарб масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш, фуқаролар манфаатларини акс эттириш ва жамоатчилик назоратини таъминлаған ҳолда, уларни ўз вақтида ҳал қила олиш салоҳиятини ўстиришни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, доимий комиссиялар фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларда маҳаллий вакиллик органлари доимий комиссиялари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий масалаларига бағишлиган қатор монографиялар ва мақолалар чоп этилган. Уларни шартли тарзда икки гуруҳга бўлиши мумкин: комиссиялар фаолиятини комплекс тадқиқ этиш ва айrim жиҳатларини ўрганишга бағишлиган илмий ишлар.

Э. Халилов ва А. Тўлаганов каби олимлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти¹ томонидан доимий комиссиялар фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатлари маҳсус таҳлил қилинган. Проф. А.Тўлагановнинг «Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш» дарслигида доимий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш масалалари атрофлича баён этилган. Лекин мазкур ишнинг обьекти бўлмагани учун унда доимий комиссиялар фаолиятининг барча томонлари тизимли ёритилмаган². Юридик фанлар доктори Э. Халиловнинг «Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш тўғрисида»³ги тадқиқотида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг қўмиталари томонидан чиқарилган қўлланмалар ва қарорларда диссертация мавзусига оид қимматли кўрсатмалар ва фикрлар келтирилган. Лекин уларда доимий комиссияларнинг турлари, гаркиби ва иш режаларини тузиш, тайёрлов, назорат ва ташкилий функцияларини амалга оширишга

¹ Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг айrim масалаларига оид қўлланмалар. – Т., 2000. – 48 б.

² Қаранг: Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. – Т., 2002. – 196 б.

³ Халилов Э. Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятига босқичма – босқич ўтища ҳокимият вакиллик органларининг роли./Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш тўғрисидаги республика семинар – кенгашининг материаллари. Тошкент, 2000, 2. – 13 б.

доир тавсиялар берилган бўлсада, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари кўрсатилмаган. Мавзуга оид масалалар собиқ иттифоқ даврида амалга оширилган илмий ишларда анча чуқур таҳлил қилинганд¹. Ушбу тадқиқотларнинг тоталитар тузум мафкураси нуқтаи назаридан ишлаб чиқилганлигига қарамай, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг бутунги фаолиятида ўзини баъзан намоён этаётган ўтмиш таъсирига барҳам бериш учун улардан танқидий фойдаланиш мумкин. Бунда, айниқса, маҳаллий кенгашлар ишчи органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятида сиёсий партиялар ва фуқаролар иштирокини таъминлашда АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Дания, Франция, Россия Федерацияси ва бошқа² хорижий давлатлар тажрибасини инобатта олиш, Ўзбекистонда маҳаллий бошқарувни демократлаштириш билан баробар, унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қиласди.

Ушбу мавзу билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ўзбек олимлари А. Азизхўжаев³, С. Султонов⁴, А. Вахобов⁵, О. Ҳусанов⁶, Ш. Жалилов⁷, М.Бойдадаев⁸, Р. Сиддиқов⁹, А. Тўлаганов¹⁰, Э. Халилов¹¹, У. Чориёров¹², Ҳ. Одилқориев, Р.Қаюмов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

¹ Баниных М П. Постоянные комиссии сельского хозяйства местных Советов - М: «Юридическая литература», 1970; Бражников В. Е. Постоянные комиссии районного Совета - М: 1962. Ветренко Т Ориентироваться на постоянные комиссии // «Советы депутатов трудащихся». 1962, № 7, стр. 70–711, Григорян Л.А. Постоянные комиссии местных Советов. М.: «Юридическая литература». 1970. Кутафин О.Е Постоянные комиссии местных Советов по делам молодежи - М: «Юридическая литература». 1974. Малков В А. Постоянные комиссии народного образования местных Советов - М: «Юридическая литература». 1970. Спиринна Э В. Постоянные комиссии местных Советов депутатов трудащихся в современный период. Автореф дис... канд. юрид наук - М., 1966. - 22 с. ва ш к

² Мисол учун қаранг www.cairms.qld.gov.au/council/boardroom/index.html www.london.gov.uk/assembly/scrutiny/index.jsp www.armadale.wa.gov.au/government/council/meetings.html; <http://www.udite.org/UTE/localG/danimarcia.htm>, www.cr-ile-de-france.fr/?vtsid=1, <http://www.cr-ile-de-france.fr/?vtsid=1>; http://www.vladcity.ru/DUMA/replen_2001/duma2001-001att.htm, http://www.rubinsk.ru/adm/sam_kom.htm#kom_soc.

³ Азизхўжаев А А. Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов – Т: «Ўзбекистон», 1990, -- 139 б. Ўша муаллиф. Демократия – халқ ҳокимияти демоктир. – Т., 1990;

⁴ Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси давлат вакиалик органлари ва фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш асосларини ўрганувчиларга услубий қўйланма. – Т: Чўлон, 1996. 34 - б

⁵ Вахобов А. Давлат ҳокимиининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари. Ўзбекистон Республикаси пустаҳил давлат – Т: Адоъат, 1995. – 145 б.

⁶ Ҳусанов О. Т Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимиияти асослари. ҳуқуқий ташкилий масалалар ва муаммолар: юрид. фанлари доктори дис... – Т., 1995. Ўша муаллиф. Мустакиллик ва маҳаллий ҳокимиият. -- Т: Шарқ 1996. 62 – б. Ўша муаллиф. Давлат ҳокимииятини вакиалик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. – Т: Университет, 1996. 150 – б.

⁷ Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимиияти маҳаллий органлари ислохоти тажриба ва муаммолар. – Т., 1994. – 192 б.;

⁸ Бойдадаев М. Давлат ҳокимиияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакл ва услублари. – Т: ТДЮИ, 2003. 64 – б.

⁹ Сиддиқов Р.Р. Местные органы власти и местное самоуправление. теоретические и организационно-правовые проблемы. Авторефер дис.... д--ра юрид. наук. – М., 1993. – 37 с.

¹⁰ Тўлаганов А. Давлат ҳокимииятининг вакиалик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш: Дарслик. – Т: ТДЮИ, 2002. – 196 б.

¹¹ Халилов Э. Ҳалқ сайлаган депутат – халқ дарди билан яшашга масъул. //Жамият ва бошқарув № 2, 2000, 10 – 11 б.

¹² Чориёров У. Бошқарув органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг демократик қоидалари. //Демократик давлат сарн. – Т., 1993.

Проф. А.А.Азизхўжаевнинг «Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов» асарида халқ депутатлари Кенгашларининг қонунийлик, ҳуқуқ – тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ушбу масала бўйича шуғулланувчи доимий комиссиялар ишини ташкил қилиш, уларнинг ваколатларини амалга ошириш муаммолари атрофлича ёритилган¹. Проф. О. Ҳусановнинг «Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият» номли монографияси маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий масалалари тадқиқотига бағишлиланган йирик илмий ишдир. Унда Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари тизимининг такомиллашуви, вакиллик ва ижроия органларининг муносабатлари, уларни қонунийлик, ҳуқуқ – тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, атроф мұхитни ҳимоя қилиш, қонун ва бошқа норматив ұжжатларни амалга оширишга доир конституциявий вазифаларини бажаришининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатларини ёритишга бағишлиланган бўлса ҳам, Кенгашлар доимий комиссияларининг фаолияти таҳлил қилинмаган.

Шунингдек, Э. Кандева², Э. Битиль³, Р. Кунце⁴, И. Мунтяну⁵, Ю. Казанчев⁶, Е. Шутрина⁷, В. Ясюнас⁸, А. Никитина⁹, В. Игнатов¹⁰, Т. Верхейн¹¹, А.Лазар¹² асарларида чет мамлакатлардаги маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий

¹ Муаллифининг қонунийлик, ҳуқуқ – тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни комиссиясининг Кенгаш қарори дойнисига хуносаси берини, доимий комиссия маъсулиятини таъминлашни, доимий комиссиялар текшируви натижоларини ижро органдада мухоммад қилишга доир ва бошқа тақлилдари бутунги кунца ҳам ўзининг амалий аҳамиятини түлиқ саклаб қолгай (ўна асар, 117 – 122 б.).

² Kandeva Emilia. Stabilization of Local Governments.. Budapest, 2000.

³ Битиль А. Местные органы власти во Франции. - М.: "Интратэк - Р", 1996. -151 с.

⁴ Местное самоуправление в Германии (на примере земли Баден-Вюртенберг). Перевод с немецкого Рихарда Кунце Положение об общинах земли Баден-Вюртенберг. 19 выпуск. издательство В. Кольхаммер, Штутгарт. Кельн. - М.: "ДЕ - ЮРЕ", 1996. с. 106-107.

⁵ Разработка новых правил игры в старых условиях/под ред. И. Мунтяну. В. Попа. - Будапешт. LGI & PSR. 2001. - 822 с

⁶ Казанчев Ю.Д., Писарев А.Н. Муниципальное право: Учеб. - М.: Новый Юрист, 1998. - 288 с

⁷ Шугрина Ф.С. Муниципальное право. Учебник. - М.: Дело, 1999. - 496 с.

⁸ Ясюнас В.А. Местное самоуправление. Комментарии. Разъяснения. - М.: "Ось-89", 1997. - 176

⁹ Государственное и муниципальное управление в сфере окружающей среды. Учебное пособие для системы профессиональной переподготовки и повышения квалификации государственных и муниципальных служащих, руководителей и специалистов промышленных предприятий и организаций/. Под общ. ред проф Никитина А. Т.. проф МНЭПУ Степанова С. А. -М.: Издательство МНЭПУ, 2001. -644 с.

¹⁰ Игнатов В.Г., Бутов В.И. Зарубежный опыт местного самоуправления российская практика: Учебное пособие. - Москва - Ростов: "МарТ", 1999. - 224 с.

¹¹ Миссия учиты қаранг!: Политико-административные отношения: кто стоит у власти?/под ред. Т. Верхейна - М: Права человека, 2001. с. 324.

¹² Lazar A., Pellerin F., Quere M. L'organisation administrative du Royaume-Uni. - Londres: ENA, 1998, р. 20.

комиссиялари фаолияти билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар тадқиқ этилган. Ушбу мамлакатларнинг тажрибаси тоталитар тузумдан демократик жамиятта ўтиш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ҳаётий аҳамиятта эга.

Ушбу ва бошқа муаллифларнинг асарларида демократик ислоҳотлар динамикасида Ўзбекистонда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолиятини оптималлаштириш муаммолари ўрганилмаган бўлсада, уларда келтирилган фикр – мулоҳазалар диссертацияда белгиланган муаммоларни тадқиқ этишга ёрдам беради. Ушбу ҳолатни инобатта олиб, диссертацион ишда ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда улар фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатларини республикада демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга мослигини ўрганишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг мақоми ҳамда фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши билан боғлиқ муаммоларни яхлит тарзда ўрганиш, доимий комиссиялар фаолиятини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга зарур изоҳлар бериш, уларни демократик ислоҳотларнинг мақсад ва талабларига мувофиқлиги даражасини аниқлаш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишидир.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатта олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиши;
- ҳалқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этишда доимий комиссияларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- доимий комиссиялар ишини йўналтириш, мувофиқлаштириш ва уларга методик ёрдам кўrsatiшни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиши;
- доимий комиссияларнинг масъулиятини кучайтириш;
- доимий комиссиялар турларини белгилаш ва уларнинг таркибини шакллантириш гартибини такомиллаштириш масалаларини ўрганиши;
- ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятида кенг омма ишгирокини таъминлаш масалаларини тадқик қилиши;
- ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари функциялари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва

мажбуриятларини белгилашга қаратилган илмий ва амалий хуносаларни шакллантириш;

— халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатлари, уларни амалга оширишнинг шакл ва услубларини таҳлил қилиш;

— халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат ҳокимият органлари билан муносабатларини тартибга солишнинг ҳукукий механизмларини ўрганиш ва бошқалар.

Диссертациянинг обьектини халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий жараёнлар ва муносабатлар ташкил қиласди.

Диссертациянинг предмети халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг ҳукукий мақоми ҳамда улар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг методологик ва илмий-назарий асосларини Ўзбекистон Республикасини Президенти И.А.Каримовнинг фуқаролик жамияти ва демократик ҳукукий давлат қуриш, умуман, давлат ҳокимияти, ва хусусан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этишга оид фундаментал кўрсатмалари, таклифлари, фармонлари ва фармойишлари ташкил қиласди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни, амалдаги бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатлари, халқ депутатлари Кенгашларининг норматив-ҳукукий ҳужжатлари, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг актлари, халқаро ҳукуқнинг умумътироф этилган нормаларига асосланиди.

А.А. Азизхўжаев¹, С.А.Султонов², Ҳ.Б. Бобоев³, З.Исломов, О.Т. Ҳусанов⁴, М.Бойдадаев⁵, Ҳ.Одилқориев⁶, Ч.Вильсон⁷, В.Е.

¹ Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: Шарқ, 1997. – 112 б.

² Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари: вужудга келиши ва тарәққиётининг асосий босқичлари (1917–1937 йиллар): юрид фанлари доктори дис. – Т., 1995;

³ Бобоев Ҳ., Норматив К Миллий давлатчилик хақида. – Т.: Ёзувчи, 1999. – 48 б.; ўша муаллифлар. Куч-қудрат адолатда. FF Амир Темурнинг сиёсий қарашлари ва хозирги давр. – Т.: Чўлон, 2001. – 136 б.; Бобоев Ҳ., Қаххоров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-ҳукукий қирролари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 80 б.

⁴ Ҳусанов О. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари. – Т., 1996;

⁵ Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2003. 52 – б.

⁶ Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.

⁷ Charles H Wilson. Essays on Local Government. – Basil Blackwell 1948. 117 р.

Чиркин¹, В.А. Кобзаненко², Алексис де Токвиль³, Ж. Локк⁴, П. Сквиэр, М. Линдсей, К. Кавингтон⁵, Т. Жефферсон⁶, Б. Аккерман⁷, Б. Манин⁸ каби конституциявий ҳамда муниципал ҳуқуқ мұаммолосының тадқиқ қылған бөшқа олимларнинг асарлари демократик ҳуқуқий давлатда маҳаллий башқарувни ташкил этишнинг асосий принциплари, нормалари ҳамда институтларини таҳлил қилишга бағишиланғанлыги боис, улар тадқиқотнинг назарий асосларини белгилашда фойдалы манбалар вазифасини үтади.

Диссертацион тадқиқот олдига құйылған вазифаны бажариши жараёнида фандаги тарихийлик, тизимлилік, қиёсий – ҳуқуқий, расмий – мантиқий, моделлаштириш, дедукция, индукция, верификация, функционал тадқиқ қилиш, статистик ва маҳсус билишнинг бөшқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва ҳимояга құйылған қоидалар. Диссертацияда халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий, назарий ва амалий жиҳатлари илк марта комплекс тарзда ўрганилған ҳамда илмий мезонлар асосида таҳлил қилинган. Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари тұғрисидеги норматив – ҳуқуқий мөъерларға бағыт берилген, тегишли нормаларни құллашда учраеттан айрим хато ва нұқсанлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йұллари күрсатилған. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг низомларни такомиллаштириш ва уларни амалиётта құллашга бағишиланған тавсия ва таклифлар ишлаб чиқылған.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳимояга құйылдаётган қуийидеги қоидаларда үз ифодасини топади:

- доимий комиссияларнинг халқ депутатлари Кенгашлари вазифаларини бажаришдаги үрни атрофлича ёритилғанлигига;

¹ Чиркин В.Е. Государственное и муниципальное управление: Учебник – М.: Юристъ, 2003. – 320 с.; Этот же автор. Государственное управление Элементарный курс. – М.: Юристъ, 2001. – 320 с.

² Государственное управление: основы теории и организации. Учебник В 2 т. Т. I / Под ред. В.А. Кобзаненко. Изд. 2-е, с изм. и доп. – М.: «Статус», 2002. – 366 с.

³ Алексис де Токвиль. Демократия в Америке: пер. с франц./Предисл. Гарольда Дж. Ласки. М.: Изд-во «Весь мир», 2000. – 560 с.

⁴ Locke J. Second Treatise Government Cambridge, 1980. 277 p.

⁵ Squire P., Lindsay J., Covington C., Smith E. Dynamics of Democracy. Brown & Benchmark, 1995. 596 p.

⁶ Jefferson Th. Notes of the state of Virginia. F.W. Paden, ed 1955 P. 217.

⁷ Ackerman B. The future of Liberal Revolution. Yale – New Haven – London, 1992. P. 117.

⁸ Manin B. On Legitimacy and Political Deliberation FF Political Theory 1987, №15. Pp 341 – 358

- халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссияларга раҳбарлигини ташкил этиш ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилганида;
- доимий комиссиялар турлари ва уларнинг таркибини демократик меъёrlар асосида шакллантиришга оид тавсиялар берилганида;
- халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари вазифаларини амалга ошириш учун ишчи гурухларни тузиш тартиби, уларнинг вазифалари ва таркибини белгилаш масалалари ишлаб чиқилганида;
- доимий комиссияларнинг функцияларини самарали амалга оширилиши учун бажарилиши зарур вазифаларнинг белгиланишида;
- қабул қилинаётган қарорлар түғрисида ахолини хабардор қилиш, фуқароларнинг бу борадаги фикрини ўрганиш – халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг алоҳида функцияси бўлиши лозимлиги исботлаб берилганида;
- халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини таъминлашга оид илмий асосланган тавсиялар берилганида;
- халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларини ўтказиш муддатини рационаллиги ва уларнинг ваколатини таъминлашга оид амалий чора – тадбирлар таклиф этилганида;
- оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича доимий комиссияни ташкил этиш зарурлиги асослаб берилганида.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти чиқарилган хуносалар ҳамда баён этилган қоидаларнинг халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари, депутатлар фаолиятини ташкил этишининг илмий асослаб берилганилиги ҳамда улардан услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Жойлардаги ҳаётий муаммоларнинг назардан четда қолаёттанлиги, стратегик ислоҳотларнинг дастурлари ва қонун ҳужжатлари ижросининг сустаги ҳудудларнинг ижтимойи – иқтисодий тараққиётини секинлаштирмоқда. Ушбу тадқиқот натижалари маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини амалга оширишнинг илмий базасини шакллантириш билан баробар, маҳаллий бошқарув самарадорлигини ошириш ва норматив – ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультетида ўқитиладиган "Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи" ва «Муниципал ҳуқуқ» фанларининг ўқув дастурлари ва қўлланмаларига киритилганлиги, маҳаллий ҳокимият органлари ишини ташкил этиш муаммолари билан боғлиқ илмий изланишларда («1.3. Ўзбекистонда давлат қурилишини эркинлаштиришнинг – фуқаролик жамиятига ўтишдаги ўрни (ташкилий – ҳуқуқий масалалари ва муаммолари)» мавзусидаги илмий – техник дастур ва бошқаларда) ҳамда тегишли норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни (халқ депутатлари кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги низомлар ва бошқалар) ишлаб чиқища фойдаланилаётганлигидан намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижалари қатор анжуманларда, жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлаштиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари" (2002 йил, январ), "Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг парламент ислоҳотларида роли" (2002 йил, апрел). Давлат бошқарувини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда давлат хизмати ислоҳотига кўмаклашиш ТАСИС дастури (2002 йил, май), "Кучли демократик жамият: эркинлаштириш муаммолари" (2002 йил, май), "Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари" (2002 йил, ноябр), «Ёнлар муаммолари ва уларнинг ечими: холат ва истиқбол» (2003 йил, декабр), «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш масалалари» (2003 йил, декабр), «Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари» (2004 йил, 31 март), «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар» (2004 йил, 19 май) конференцияларида эълон қилинган. Шунингдек, диссертация иши 2003 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг тегишли ихтисослашган кенгashi, 2004 йил 6 январда Тошкент давлат юридик институтининг «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» ва 2004 йил 5 февральда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ҳуқуқшунослик кафедралари қошидаги илмий – назарий семинарларда атрофлича муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Диссертация натижаларининг чоп этилиши. Ишнинг асосий мазмуни муаллифнинг 7 илмий мақоласи, ҳаммуаллифликда ёзилган яна 3 мақола ва 4 ўқув – методик қўлланмаларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифаларига уйғын бўлиб, кириш, олти параграфдан иборат уч боб, холоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Биринчи боб икки параграфдан иборат. Унда доимий комиссияларининг халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этишдаги ўрни, уларни шакллантириш, уларнинг турлари ва таркибини белгилаш масалалари ўрганилган. Иккинчи боб ҳам икки параграфдан иборат бўлиб, ушбу бобда доимий комиссияларнинг функцияларини оператив амалга ошириш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш йўллари ёритилган. Икки параграфдан иборат учинчى бобда доимий комиссиялар ишининг шакл ва услубларини такомиллаштириш масалалари таҳдил қилинган.

II. Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва илмий ишланганлиги даражаси, унинг предмети, обьекти, мақсади, вазифалари, янгилиги ҳамда ҳимояга олиб чиқиляётган қоидаларининг амалий ва назарий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб – «**Халқ депутатлари Кенгашларининг ташкилий–ҳуқуқий табиати**» – икки параграфдан иборат Унда доимий комиссияларнинг ташкилий – ҳуқуқий табиати, яъни уларнинг Кенгаш фаолиятидаги ўрни таҳдил этилган. Доимий комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга Кенгашнинг раҳбарлиги, комиссияларни шакллантириш, уларнинг ички тузилишига оид амалий холоса ва таклифлар берилган.

- «**Доимий комиссиялар – халқ депутатлари Кенгашларининг ишчи органи**» деб номланган биринчи параграфда Кенгашларнинг маҳаллий бошқарув ва стратегик ислоҳотларнинг амалга оширилишидаги роли, уларнинг кенг камровли вазифаларини бажаришда доимий комиссияларнинг ўрни кўриб чиқилган.

Маҳаллий вакиллик органлари демократик нормаларни таъминлашнинг кафолати эканлиги уларнинг фаолиятини самарали ташкил этишнинг юксак аҳамиятини кўрсатади. Кенгаш ваколатларининг амалий ижроси унинг депутатлари, сиёсий ва, айниқса, доимий ишчи гурӯҳларига бевосита боғлиқ. Уларнинг маъсулиятли ваколатларининг доимий комиссиялар орқали мунтазам бажарилиши хорижий давлатлар тажрибасидан

ҳам маълум¹. Проф. А.Тұлагановнинг фикрига кўра, «маҳаллий Кенгашлар иш тажрибасида шундай тартиб ўрнатилган бўлиб, доимий комиссия аъзоларининг иштирокисиз бирон – бир муҳим масала ҳал этилмайди»². Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 19 – модасида доимий комиссияларнинг сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва тайёрлаш функцияларини бажаришлари мустаҳкамланган. Лекин жойлардаги кўплаб муаммоларнинг ҳал қилинмаёттанилигини ушибу қоидага ҳар доим ҳам амал қилинмаёттанилигини кўрсатмоқда. Демак, кенгашларнинг Иш тартиблари ва доимий комиссиялари тўғрисидаги низомларда сессия муҳокамасига киритилган масалаларнинг доимий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий бошқарувнинг айрим тармоқларидағи муаммоларнинг назардан четда қолиши, Кенгаш қарорлари ва бошқа норматив актларнинг тўлиқ амалга ошмаёттани, ижро органлари фаолияти устидан назоратнинг сустлиги доимий комиссияларнинг ўз функцияларини етарли даражада бажара олмаёттаниликларини кўрсатмоқда. Вужудга келган вазият доимий комиссиялар фаолиятини мунтазам йўналтириш, мувофиқлаштириш, иш натижаларини умумлаштириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва ўларга амалий ёрдам кўрсатиш, яъни уларга раҳбарлик қилишини долзарб масалага айлантироқда.

Доимий комиссияларнинг Кенгаш олдидағи ҳисобдорлиги уларга раҳбарлик қилишнинг муҳим воситаларидан бириди. Чунки улар ҳисоботларининг муҳокамаси ва бунинг натижасида қабул қилинган қарорлар комиссиялар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради. Лекин ҳалқ депутатлари Кенгашларнинг Иш тартиби ҳамда доимий комиссиялари тўғрисидаги низомларida комиссияларнинг Кенгаш олдидағи ҳисобдорлиги мустаҳкамланган бўлса ҳам, ҳисобот бериш тартиби ва муддати аниқ белгиланмаган. Бу эса, мазкур ҳисоботлар муҳокамасини узоқ муддатларга чўзилиб кетиши еки умуман амалга ошмай қолиши, натижада комиссиялар фаолиятининг сустлигига олиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, доимий комиссияларнинг нафақат Кенгаш, балки маҳаллий газета ва сайловчилар билан

¹ Игнатов В.Г. Бутов В.И. Зарубежный опыт местного самоуправления и Российская практика. Учебное пособие. Москва-Ростов. 1999. с. 29

² Тұлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. – Г. 2002, 135 – б.

бўладиган учрашувларда аҳоли олдида йилига бир марта ҳисобот бериш амалиётини шакллантириш кутилган самарага эришиш имконини беради.

Кенгашларнинг доимий комиссияларга раҳбарлиги, асосан, сессиялар пайтида амалга оширилади. Сессиялар оралиғида эса, уларга ҳоким ва унинг ижро маҳкамаси ташкилий ва кадрлар масалалари гурӯҳи раҳбарлик қиласи. Ваҳоланки, норматив актларга кўра, ҳоким ижроия маҳкамаси доимий комиссиялар фаолиятини ташкилий, техник, услубий таъминлашни амалга ошириши лозим. Олий Мажлис Котибияти Назорат – ахборот бўлимининг доимий комиссиялар иш тажрибасининг ўрганиши, умумлаштириши ва илғор тажрибани тартиб қилишга доир фаолияти кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди¹. Доимий комиссияларга мунтазам раҳбарлик қилиш ўз ечимини топиши лозим бўлган муҳим масалалардан бириди. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ва амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, доимий комиссиялар ишига Кенгаш ваколат муддатига маҳсус сайданадиган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган Кенгаш котиби ёки тегишли ваколатларга эга Кенгаш президиумининг раҳбарлик қилиши мантиқий.

Иккинчи параграф «Доимий комиссияларни шакллантириш тартиби, уларнинг турлари ва таркиби» деб номланган бўлиб, унда доимий комиссияларни шакллантириш тартиби, уларнинг турлари ва таркибига қўйиладиган таалаблар таҳлил этилган. Доимий комиссияларнинг Кенгаш ишини самарали амалга оширишдаги ўрни уларнинг тизими ва малакали таркибига боғлиқ.

Доимий комиссияларнинг турлари ва сонини аниқлаш Кенгашлар фаолиятининг барча йўналишларини белгилаш билан боғлиқ бўлгани учун уларнинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Лекин амалдә тузилиши керак бўлган доимий комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўрсатилган. Бу ижобий ҳолат, аммо ҳар бир комиссиянинг қандай масалалар билан шугулланишини белгилаш депутат – аъзоларнинг жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишга бўлган ташаббусини сусайтириши мумкин. Доимий комиссиялар кенгаш олдида турган маълум соҳадаги долзарб масалаларни ҳал қилиши лозим. Хорижий давлатлар, мисол учун Данияда, бошқарув самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун фақатгина молия ва бюджет масалалари бўйича доимий комиссиянинг алоҳида бўлиши кўрсатилган бўлиб, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномоси. 2000, 4 –сон. 130 –мода.

турлари ва сонини белгилашта доир бошқа талаблар мавжуд эмас¹. Шунинг учун кенгашлар ўз доимий комиссияларининг турлари ва вазифаларини мустақил белгилаши лозим.

Доимий комиссиялар турлари ва таркибини ҳоким белгилаёттани, кейинчалик сессияда айнан шу рўйхатнинг ўзи тасдиқлананаёттани депутатларнинг профессионал мақсадларини рўёбга чиқариш имкониятларини анча чекламоқда. Агарда ҳоким, Кенгашнинг раиси сифатида, Кенгаш олдида турган масалалардан келиб чиқиб, доимий комиссиялар рўйхати ва уларнинг вазифаларини тахминан белгилаб, сессияда маълум қилса, депутатлар доимий комиссиялар рўйхати ва уларнинг вазифаларини муҳокама қилиб, қайси бирининг таркибида фаолият кўрсатишларига доир таклифларини бера оладилар. Бунда депутатлар ўзларининг сайлов оди режалари ҳамда партиялари олдида турган мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, комиссиялар турлари, уларнинг вазифалари ҳамда қайси бирининг таркибида фаолият кўрсатишларига доир ўз фикрларини билдириш имконига эга бўладилар.

Доимий комиссиялар вазифаларининг кенглиги, уларнинг таркибиага турили ихтиносликка эга бўлган депутатлар сайланишидан қатъи назар, маълум масалалар бўйича мутахассисларни қўшимча жалб қилиш заруратини келтириб чиқаради. Чет давлатлар тажрибаси маслаҳат олиш учун мутахассислар ва фаолларга мурожаат қилгандан кўра, уларни комиссиялар таркибида тузиладиган ишчи гурухларга жалб қилиш самаралироқ натижалар беришини тасдиқлайди². Ўзбекистонда доимий комиссиялар таркибида ишчи гурухлар тузиш³ зарурлиги такрор ва такрор таъкидланган бўлса ҳам, ишчи тузилмалар ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда тартибга солинмаган.

Иккинчи боб – “Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг функциялари ва улар ижросининг тақомиллашуви” – икки параграфдан иборат. Унда доимий комиссияларнинг функцияларини самарали амалга ошириш ва уларнинг ҳукуқларини кенгайтириш чора – тадбирлари таҳлил этилган. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни мунтазам чуқурлаштириб бориш, фуқаролар манфаатларини тўлароқ рўёбга чиқариш масалаларидан келиб чиқсан ҳолда, доимий

¹ Организация центральной и местной власти в Дании http://www.proineta.ru/msqr/doc/19_04.htm

² Местное самоуправление в Германии (на примере земли Баден-Вюртенберг). Перевод с немецкого Рихард Кунце. Положение об общинах земли Баден-Вюртенберг. 19 выпуск. издательство В. Кольхаммер. Штутгарт. Кельн - М.: "ДЕ - ЮРЕТ". 1996, с 106-107

³ Қаранг Халилов Э. Халқ сийлаган депутат – халқ дарди билан яшашга масъул // «Жамият» ва бошқаруве. 2000 № 2. 10 – 6.

комиссияларнинг янги – оммалаштириш функциясини амалга оширишнинг аҳамияти ва зарурати асослаб берилган. Шунингдек, доимий комиссиялар қарорларининг ижросини таъминлашга доир қатор амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Доимий комиссияларнинг функциялари ва уларни амалга ошириш масалалари” номли биринчи параграфда доимий комиссияларнинг функциялари ва вазифаларини самарали бажариш ҳамда тақомиллаштириш масалалари амалдаги норматив ҳужжатлар таҳмими асосида ёритилган.

Доимий комиссиялар турли соҳаларда фаолият юргизсалар – да, улар ҳақидаги низомларда атиги учта вазифа белгиланган, холос. Амалиёт комиссияларнинг Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 19 – моддасида белгиланган тайёрлов, ташкилий ва назорат фаолиятини олиб боришларини тасдиқлайди. Бироқ уларни вазифалар эмас, балки «функциялар» деб аташ мантиқан тўғтироқ бўлар эди. Чунки доимий комиссиялар ушбу функцияларини самарали амалга ошириш учун ўз фаолият соҳаларида турли вазифаларни бажарадилар. Шунинг учун ҳар бир доимий комиссиянинг вазифалари низомларда ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланса, давлат қурилиши ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада жадалроқ ривожланишига хизмат қиласди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари доимий комиссиялар томонидан аҳолини маҳаллий бошқарувга жалб қилишнинг шакл ва усусларини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Доимий комиссиялар фаолиятининг ошкоралиги ва депутатларнинг аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда қабул қилинаётган қарорларда акс эттириши, бу жараёнга фуқароларни жалб қилиш қонунчиликда мустаҳкамланган бўлса – да, амалдаги ахвол бу фаолиятни комиссияларнинг алоҳида функцияси сифатида белгилашни тақозо этмоқда. Бу функцияни “оммалаштириш”, яъни доимий комиссияларнинг маълум масалани кўриб чиқишидан аввал, уни ҳал қилиш йўллари ҳақида аҳолини хабардор қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида қарор қабул қилиш деб белгиланса, ижобий натижага бериши мумкин. Шунинг учун деярли барча давлатларнинг муниципал кенташларидағи доимий комиссиялар ўз фаолияти тўғрисида аҳолини хабардор қилишга мажбур¹. Чунки аҳолини маҳаллий бошқарувдаги иштироки демократик нормаларни

¹ Мисол учун қаранг: Типовое положение о Постоянных комиссиях городской Думы города Ижевска Утверждено решением Городской думы города Ижевска от 16 ноября 1994 г. № 57 <http://izh.ru/duma/rd/duma/l/1994-nov/rd57.htm>

таъминлаш билан баробар, бошқарув самараадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Чет давлатлар, хусусан, Украина қонунчилигидаги доимий комиссиялар тайёрлов фаолиятидаги бажаришлари лозим бўлган вазифалари анча тўлиқ белгиланган. Ушбу давлатнинг «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни 47 – моддасининг 4 – бандида доимий комиссияларнинг Кенгаш топшириги ёки ўз ташаббусларига кўра, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурлари, маҳаллий бюджет лойиҳалари, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, тегишли соҳалар ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги масалаларни ўрганиш, улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Кенгашга тақдим қилиш, ушбу масалалар юзасидан Кенгаш қарори лойиҳасини тайёрлаш белгиланган. Доимий комиссияларнинг ташкилий ва назорат фаолияти ҳам бажарилиши лозим бўлган вазифаларни улар тўғрисидаги низомларда мустаҳкамлаш даркорлигини кўрсатмоқда.

“Доимий комиссиялар ҳукуқларини кенгайтириш ва уларнинг қарорлари ижросини таъминлаш масалалари” деб номланган иккинчи параграфда доимий комиссиялар ҳукуқларини кенгайтириш, уларнинг қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ўрганилган

Комиссиялар функцияларини самарали бажариш йўлларидан бири – уларга муайян ҳукуқлар бериш билан боғлиқ. Чунки доимий комиссияларнинг ҳукуклари уларнинг вазифаларини бажариш учун зарур имкониятларни яратади. Ўзбекистонда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг доимий комиссиялар тўғрисидаги норматив ҳужжатларида белгиланган ҳукуқлар уларнинг вазифаларини самарали бажариш учун етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Мисол учун, айрим ҳудудларнинг қатор тармоқларида музаммолар, уларни ҳал қилиш борасида ижро органларининг ҳаракатсизлиги доимий комиссияларга муайян ҳукуқлар. бериш заруратга айланмоқда. Таҳлиллар шуни тасдиқладики, доимий комиссияларга давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, ҳар бир масалани уларнинг хуносаси асосида ҳал қилиш, уларга мажбурий кучга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ва бошқа ҳукуқларни бериш қайд этилган ва бошқа музаммоларни бартараф қилиш имконини беради.

Чет давлатларда комиссияларнинг мажбурий кучга эга бўлган қарор қабул қилиши уларнинг мавқеини анча кучайтирганини кўриш мумкин. Бироқ комиссиялар ҳукуқларини кенгайтириш

уларни ижро органларининг оператив фаолиятига аралашиши мумкинлигини англатмайди. Масалан, Буюк Британияда доимий комиссиялар норматив актларнинг ижросини ташкил этиш ва бошқарув органларининг қонунчиликка зид хатти – ҳаракатларининг олдини олиш учунгина мажбурий кучга эга бўлган қарорлар чиқарадилар. Тадқиқотлар доимий комиссияларнинг ҳуқуқарини кенгайтириш, аввало, уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга хизмат қилишини тасдиқламоқда.

Шунингдек, доимий комиссиялар вазифаларининг самарадорлигини ошириш уларнинг қарорларини ижро қилиш механизмини такомиллаштиришни тақозо қиласди. Акс ҳолда, комиссияларнинг фаолияти оддий расмиятчиликка айланаб қолади. Доимий комиссия қарорларининг давлат ва жамоат бирлашмалари томонидан кўриб чиқилиши белгиланган бўлса – да, амалдаги низомларда ушбу қарорларнинг ижроси юзасидан тегишли таъсир чоралари мустаҳкамланмаган. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатаётганидек, доимий комиссияларнинг оммавий ахборот воситалари орқали танбеҳ билдириши ва юқори турувчи ташкилотта тақдимнома киритиш ҳуқуқи тегишли ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширади.

Учинчи боб – “Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятининг шакл ва услубларини тақомиллаштириш масалалари” – ҳам икки параграфдан иборат. Мазкур бобда доимий комиссиялар фаолиятининг шакл ва услублари тадқиқ этилиб, комиссиялар мажлисларини ўтказиш, маъруза ва қўшимча маъruzalарини тайёрлаш, уларнинг ишини режалаштириш, аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш фаолиятидаги энг долзарб муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари таҳдил этилади.

“Доимий комиссиялар фаолиятининг ташкилий шакллари ва уларни амалга ошириш муаммолари” деб номланган биринчи параграф комиссияларнинг мажлислари, қўшимча ва асосий маъruzalariга бағишлиланган. Уларни ўрганиш жараёнида баъзи нуқсонларни бартараф қилишга доир амалий тавсиялар берилди.

Доимий комиссиялар фаолиятининг асосий шакли бўлган мажлисларни ўтказиш тартиби ва муддатлари аниқ белгиланган. Лекин доимий комиссия мажлисларининг уч ойда бир марта ўтказилиши тегишли масалаларни ўз вақтида ҳал қилишга халақит бермоқда. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари

тұғрисидаги низомларда «доимий комиссия мажлиси, заруратта қараб, камида иккі ойда бир марта ўтқазилади», туманларда эса, «... камида ойда бир марта ўтқазилади», – деб белгилаш мантиқиейдір.

Доимий комиссиялар мажлисларининг ваколаттың бүлиши белгиланған кворум йиғилишини талаб қылады. Комиссия атъоларини унинг мажлисларидағи иштироки ва бошқа мажбуриятлари «Депутат ҳұқуқи мақоми тұғрисида»ғи қонун ҳамда доимий комиссиялар тұғрисидаги низомларда мустаҳкамланған¹. Қонунчиликда депутаттарни чақириб олиш тартиби белгиланғаниң қарамай, ушбу мажбуриятларни таъминлаш механизми ҳанузгача ишлаб чиқылмаган. Бу ҳол айрим депутаттарни үз ишига совукқонлик, ҳатто масъулиятсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда. Депутатларнинг белгиланған меъёрларга риоя қилиши устидан назоратни маҳсус доимий комиссияларнинг амалга ошириши мантиқий кўринади. Ушбу фаолиятни оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича комиссиялар амалга оширасалар. депутатлик этикаси нормаларига риоясини таъминлаш орқали жамоатчилик фикрини янада кенгрөк ўрганишга хизмат қиласади.

Доимий комиссияларнинг қўшимча маърузалари кўрилаётган масаланинг объектив ечимига шароит яратади. Доимий комиссияларнинг сессияга қўйилган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш функциялари, айнан уларнинг қўшимча маърузалари воситасида амалга оширилади. Лекин, кўпинча, мансабдор шахсларнинг Кенгаш сессиясида кўрилаётган масала бўйича маълумоти тегишли доимий комиссиянинг холосаси, яъни қўшимча маърузасини эшитмасдан муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз². Ваҳоланки, мансабдор шахснинг маълумоти ёки ҳисоботида тегишли соҳадаги умумий ҳолат, мусассаса, ташкилотлар фаолиятига ташкилот раҳбари нуқтаи назаридан қаралса, қўшимча маърузада ҳалқ вакилларидан иборат доимий комиссиянинг мазкур соҳага доир таҳлилий холосаси үз ифодасини топади.

Доимий комиссияларнинг сессиялардаги маърузасида эса, уларнинг үз ташаббуслари, Кенгаш ёки ҳоким топшириги билан сессияда кўрилаёттан масала бўйича тўплантган материаллар

¹ Мисол учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Депутат мақоми тұғрисида»ғи 6 май 1995 йылдаги қонуни, Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти ва бошқа Кенгашлар доимий комиссияларининг низомлари.

² Мисол учун қаранг: II чақириқ ҳалқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгашининг XII сессиясининг 25 февраль 2003 йылдаги 2/12 –сонли баёни. Ҳалқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгашининг жорий архиви

умумлаштирилади. Бунинг асосида тегишли қарорнинг лойиҳаси тайёрланиб, Кенгашга тақдим этилади. Бу жараёнда тегишли давлат ёки жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг манфаатларини инобатта олиш долзарб масалалардан биридир. Доимий комиссияларнинг оммалаштириш функцияси нафақат маъруза, балки кенгағ сессиясида муҳокама қилинаётган барча масалалар, уларни ҳал қилиш режалари, йўллари ва қарор лойиҳаларини аҳолига етказиши назарда тутади. Бу доимий комиссияларнинг иш услубларидан бири сифатида тегишли ташкилотлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этади.

«Доимий комиссияларнинг иш услублари ва уларни такомиллаштириш йўллари» деб номланган иккинчи параграфда доимий комиссияларнинг ўз вазифаларини бажарища қўлладиган услублари комплекс равишда таҳдил қилиниб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар берилган.

Деярли барча Кенгашларнинг доимий комиссиялари раис, унинг ўринбосари, котиби ва аъзоларидан иборатdir. Комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш уларнинг муҳим иш услубларидан бири ҳисобланади. Комиссия раиси, унинг ўринбосари ва котиби вазифалари доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда белгиланади. Колган аъзолар ўртасида вазифалар комиссиянинг иш режаси ва раиснинг топшириги асосида тақсимланади. Халқ депутатлари Наманганд вилояти Косоисой Кенгашида ҳар бир доимий комиссия ўз аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти тўғрисида қарор қабул қилиш тажрибаси мавжуд. Бу ижобий ҳолат чунки комиссия аъзолари вазифаларининг норматив ҳужжатда расмий мустаҳкамланиши уларнинг маътулиятини ошириш ва жавобгарлигини белгилаш имкониятини беради.

Комиссиянинг иш режаси Кенгаш ва юқори давлат органининг муайян тармоқларни ривожлантириш дастурлари ва тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рӯёбга чиқариш ҳамда тегишли ҳудудга доир долзарб масалаларни ҳал қилишини қамраб олиб, ҳар бир аъзо зиммасига муайян тадбирларни амалга ошириш маътулиятини юклайди. Режалаштиришнинг муҳимлигига қарамай, доимий комиссиялар ҳақида низомларда «комиссиялар ўз ишини ўз мажлисларида тасдиқланган режа асосида олиб борадилар», деган умумий ибора билан чекланилган. Одатда, доимий комиссияларнинг режалари бир йилга тузилиб, кўпи билан бешта масалани қамраб олади. Ваҳоланки. Кенгашлар фаолиятида бир соҳанинг ўзида кўплаб

долзарб масалаларни амалга ошириш режалаштирилади. Бу доимий комиссиялар режаларини расмиятчилик учун тузилаёттандырылады. А.Тұлагановнинг фикрига күра, доимий комиссиялар Кенгашнинг ваколат даврига истиқболли режалар тузиб, уларни манбаатдор ташкилоттар ва ахолига маълум қилишлари лозим. Лекин доимий комиссияларнинг режалари Кенгашнинг истиқболли дастурларидан күчирма эмас, балки уларда белгиланган вазифаларнинг амалий ижросига қаратилган табдирлар йиғиндиси бўлмоғи лозим. Бу комиссияларнинг квартал ва жорий иш режаларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Доимий комиссияларнинг объектив қарор қабул қилишида текширувларнинг малакали ўтказилиши муҳим ўрин тутади. Текширувларни режалаштириш, энг муҳим масалалар бўйича алоҳида «эслатма» тузиб олиш, тегишли назорат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш кўзланган мақсадга эришишин енгиллаштиради. Ҳамкорлик доимий комиссияларнинг нафакат текширувларини, балки бутун фаолиятини самарали ташкил этишининг муҳим омилидир. Шунинг учун тегишли давлат ёки нодавлат ташкилотларидан маслаҳат олиш, уларнинг вакилларини муйайян масалаларнинг муҳокамасига тақлиф қилиш ижобий натижа беради.

III. Ҳулоса ва таклифлар

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва хотиржамликни асрараш йўлида давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилишiga қаратилган бунёдкор ишлар эртаниги кунга умид ва ишонч туйгуларини мустаҳкамламоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари, хусусан халқ депутатлари Кенгашлари ушбу эзгу мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутадилар. Ҳудудларда мавжуд муаммоларнинг таҳлили халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг доимий ишчи органлари фаолиятининг самарасини оширишни тақозо этиб, бу ишни давлат ва жамият қурилишининг муҳим вазифаларидан бирига айлантирмоқда.

Республикада халқ депутатлари Кенгашларининг кенг қамровли ваколатларини ихтисослашган ва мунтазам амалга оширувчи ишчи органлари тузилган. Лекин жойлардаги вазият ва доимий комиссиялар фаолиятининг таҳлили ҳамда ривожланган давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси Ўзбекистонда халқ депутатлари кенгашлари доимий комиссияларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

Доимий комиссияларнинг қонунчилиқда мустаҳкамлаб қўйилган функциялари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқларини амалга оширишнинг шакл ва услубларини илмий ўрганиш натижасида қўйидаги қатор умумлаштирувчи холосалар шаклланди:

Биринчи. Кенгаш сессиясига қўйилаёттан масалаларининг тегишли доимий комиссиялар экспертизаси ва холосаси асосида муҳокама қилиниши Кенгаш ваколатларининг самарали амалга оширилишига хизмат қиласи. Ҳозирги кунда сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг доимий комиссиялар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёраш билан боғлик «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 – моддасида мустаҳкамланган функцияларнинг етарли даражада бажарилмаёттани айрим долзарб муаммоларнинг оператив ҳал қилинмаёттани натижасида фуқаролар манфаатларининг рўёбга чикмай қолишига сабаб бўлмоқда. Ривожланган давлатларда доимий комиссияларга тегишли вазифаларнинг норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилгани маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари оператив амалга оширилишига эришилоқда. Ўзбекистонда ҳам ҳар бир доимий комиссиянинг қонунда қайд этилган функцияларни Кенгашларнинг доимий комиссиялари тўғрисидаги низомларида мустаҳкамлашнинг мақсадга мувофиқлиги намоён бўлмоқда.

Иккинчи. Доимий комиссиялар фаолиятини йўналтириш, мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, иш натижаларини умумлаштириш ва илгор тажрибаларни оммалаштириши зарурати уларга доимий раҳбарликни таъминлашни тақозо этмоқда. Доимий комиссиялар фаолиятига раҳбарликнинг депутатлар ичидан сайланадиган ва профессионал асосда доимий ишлайдиган Кенгаш котиби томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчи. Ҳокимнинг ҳалқ депутатлари Кенгашининг раиси сифатида доимий комиссияларни шакллантиришдаги ролини комиссияларнинг рўйхати ва улар олдида турган вазифаларни депутатларга маълум қилиш билан чеклаш қоидасини «Доимий комиссиялар тўғрисида»ги низомларда мустаҳкамлаш зарурлиги тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда. Доимий комиссияларни шакллантириш жараёнидаги ҳоким ва унинг ижро маҳкамаси иштирокининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги Кенгашларнинг мутлақ ваколатини амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Тўртинчи. Доимий комиссиялар фаолиятининг асосий ўйнашлари бўйича секциялар, уларнинг таркибида эса ишчи

гурӯҳларини тузиш уларга берилган ваколатларнинг амалий татбиқига хизмат қиласи. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда бизнинг изланишларимиз доимий комиссиялар ваколатларининг амалга ошиши нодавлат нотижорат ташкилотлар ва манфаатдор фуқароларнинг мажлисларида сайланадиган ишчи гурӯҳлардан иборат комиссиялар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича секциялар тузишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Улар доимий комиссиялар ишига мутахассислар ва фаолларни жалб қилиш механизми вазифасини ўтайди, бу эса, ўз навбатида, турли соҳалардаги муаммоларни оператив ҳал қилиш имконини беради.

Бешинчи. Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятининг турли соҳаларни қамраб олиши улар вазифаларининг алоҳида белгиланишини тақозо этмоқда. Ҳозир амал қилаётган Кенгаш регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда комиссияларнинг умумий вазифалари белгиланиб, уларнинг ишини ташкил этиш хусусиятлари инобатта олинмаган.

Олтинчи. Доимий комиссияларнинг оммалаштириш функциясини белгилаш депутатнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган аҳолини хабардор қилиш ва унинг эҳтиёжларини ўрганиб, қабул қилинаётган қарорларда акс эттириш мажбуриятларининг амалдаги ижросига хизмат қиласи. Доимий комиссиялар оммалаштириш функциясининг ижроси демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва бошқарув самарадорлигини мунтазам ошириб боришнинг муҳим омилидир.

Еттинчи. Амалдаги норматив ҳужжатларда доимий комиссияларнинг сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш функцияларини бажаришга доир вазифалари аниқ белгиланмаган. Бу ҳол маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг самарали амалга оширилишига тўқсиналик қилмоқда. Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида доимий комиссияларнинг тайёрлаш ташкилий ва назорат фаолиятларини амалга оширишга доир вазифалари аниқ белгиланган. Ушбу вазифаларнинг доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда белгиланиши Ўзбекистонда ҳам комиссияларнинг барча функцияларини самарали бажариш учун шароит яратади.

Саккизинчи. Доимий комиссияларнинг ташкилий фаолияти қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш билан боғлиқдир. Ушбу функцияларни амалга ошириш жараёнида улар қонун ҳужжатлари мазмунини аҳолига тарғиб қилиш билан бир

қаторда, қонунларни омма кучи билан амалга ошириш чора – тадбирларини ҳам күрадилар. Қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишида йўл қўйилаёттган камчиликларни ўрганиш ва уларни аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, яъни уларнинг қонунчилик ташаббусини қўллаб – қувватлаш вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Тўққизинчи. Тегишли давлат ташкилотларининг доимий комиссияларга мунтазам ҳисботот беришини «Доимий комиссиялар тўғрисида»ги низомларда мустаҳкамлаш уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришнинг амалий йўлларидан биридир. Бундай ҳисбототлар Кенгаш, ҳоким ва юқори турувчи ташкилотлар норматив ҳужжатларини амалга ошириш юзасидан берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўнинчи. Доимий комиссияларга қонун ҳужжатлари ижросини ташкил қилиш ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг қонунга зид ҳужжатларини бекор қилиш бўйича мажбурий кучга эга бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши уларнинг фаолияти самарасини оширади. Ривожланган давлатлар тажрибаси доимий комиссиялар қарорларини ижро қилиш муддатини белгилаш ва уларни бажармаган ташкилотларга нисбатан чоралар кўриш комиссияларга юклangan функцияларнинг таъсирчанлигини оширишини кўрсатмоқда.

IV. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари муаллифнинг қўйидаги мақолаларида эълон қилинган:

1. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимият органларини такомиллаштириш масалалари// «Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги конференция материаллари. – Т.: ИИВА, 2002. 131 – 133 б.
2. Маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш сари: ҳалқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари// «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш масалалари» мавзуидаги конференция материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2003. 26 – 31 б.
3. Ёшлар фаолигини оширишда ҳалқ депутатлари Кенгашларининг роли// «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол» мавзуидаги конференция материаллари. – Т.: Ёшлар муаммолари институти, 2003. 23 – 26 б.
4. Ҳалқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари ва уларнинг ишчи гуруҳлари // Ж «Жамият ва бошқарув», 2003. № 4, 81 – 82 б.

5. Сиёсий партиялар ва ижтимоий фаоллик// Ж. «Хуқуқ. Право. Law», 2004. № 1, 71 – 72 б.
6. Фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштироки// Ж. «Давлат ва ҳуқуқ», 2004. № 2, 10 – 11 б.
7. Ҳалқ депутатлари Кенгашларининг экология соҳасидаги вазифалари// «Экология қонунчилигини такомиллаштириши муаммолари» мавзуидаги илмий–амалий конференция. – Т.: ТДЮИ, 2004. 217 – 220 б.
8. Vom starken zu einer starken Gesellschaft// Wostok. 4/2002. 2 – 3 б. (Германия, немис тилида, ҳаммуаллифликда);
9. Проблемы совершенствования самоуправления в Республике Узбекистан// «Ижтимоий фикр» ж – ли, 2001. №4, 0,5 б.т. (ҳаммуаллифликда);
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда Президент Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма. – Т.: «Молия» нашриёти, 2002. – 88 б.
11. Нормативно – правовое регулирование деятельности органов самуправления граждан: проблемы теории и практики// «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар» мавзуидаги илмий – амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2004. 52 – 56 б. (ҳаммуаллифликда).
12. Административное право. Курс лекций. – Т.: ЎзМУ, 2001. – 182 б. (ҳаммуаллифликда);
13. Банковское право: курс лекций. – Т.: ЎзМУ, 2001. – 110 б. (ҳаммуаллифликда);
14. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳукуки муаммолари: магистрлар учун фан дастури. – Т.: ЎзМУ, 2002. – 36 б. (ҳаммуаллифликда).

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор
Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғлиниң 12.00.02 – «Давлат ҳуқуқи
ва бошқарув; маъмурӣ ҳуқуқ; молия ҳуқуқ» ихтиносиги бўйича
«Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари доимий
комиссиялари: ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ташкил этиш
муаммолари» мавзуидаги диссертациясининг**

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: маҳаллий, ҳокимият, орган, депутат, Кенгаш, комиссия, ҳуқуқ, вазифа, бошқарув, низом, режа, услуб, шакл.

Тадқиқот обьекти: халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда ижтимоий – ҳуқуқий муаммолар.

Ишнинг мақсади: халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг мақоми ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни демократик ислоҳотларга мувофиқлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот услуби: тарихийлик, тизимилий, қиёсий – ҳуқуқий, расмий – мантикий, моделлаштириш, дедукция, индукция, верификация, функционал тадқиқ, статистик ва бошқалар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисидаги норматив – ҳуқуқий меъёрларга баҳо берилдиб, уларни қўллашда учраётган айрим камчилик ва нуқсонлар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. "Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисида"ги низомларни такомиллаштириш ва уларни амалиётда қўллашга бағишиланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Ишнинг натижалари, хулоса ҳамда қоидалардан халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари, депутатлар фаолиятини ташкил этишда. "Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуриш назарияси ва амалиети" фанини ўқитишда, маҳаллий ҳокимият органлари ишини ташкил этиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларда, тегишли норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва самарадорлиги: Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолиятини ташкил этиши юзасидан берилган таклифларнинг "Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи" ва «Муниципал ҳуқуқ» фанлари бўйича тузилган ўқув ва методик қўлланмаларга киритилиши, маҳаллий ҳокимият органлари ишини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор илмий маколаларда эълон қилиниши билан белгиланади.

Қўлланиш соҳаси: маҳаллий бошқарув, таълим, илмий тадқиқотлар ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш.

РЕЗЮМЕ

диссертации Йулдошева Азизжона Эргаш угли на тему: «Постоянные комиссии Кенгаша народных депутатов Республики Узбекистан: правовой статус и проблемы организации их деятельности» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.02 – «Государственное право и управление; административное право; финансовое право»

Ключевые слова: местное, управление, власть, орган, депутат, Кенгаш, комиссия, права, обязанности, задачи, положение, план, метод, форма.

Объект исследования: правовой статус постоянных комиссий Кенгаша народных депутатов и социально-правовые проблемы, возникающие в процессе организации их деятельности.

Цель работы: анализ нормативно-правовых актов, регулирующих правовой статус и деятельность постоянных комиссий на их соответствие демократическим реформам и разработка соответствующих рекомендаций.

Метод исследования: исторический, системный, сравнительный, формально-логический, моделирование, дедукция, индукция, верификация, функциональный анализ, статистический и др.

Полученные результаты и их новизна: В диссертации дана оценка нормативно-правовым актам о постоянных комиссиях Кенгаша народных депутатов, выяснены некоторые недостатки, встречающиеся в их применении, показаны пути их устранения, даны рекомендации и предложения по совершенствованию и практическому применению Положения "О постоянных комиссиях Кенгаша народных депутатов".

Практическая значимость: Результаты исследования, его выводы и положения могут быть использованы в качестве пособий при организации деятельности постоянных комиссий и депутатов, в преподавании предмета "Теория и практика строительства демократического общества в Республике Узбекистан", в научных исследованиях, посвященных организации деятельности органов государственной власти на местах, в подготовке соответствующих нормативно-правовых актов.

Степень внедрения и практическая эффективность: Определяется внедрением предложений по организации деятельности постоянных комиссий Кенгаша народных депутатов в содержание учебных и методических пособий по предметам "Конституционное право Республики Узбекистан" и «Муниципальное право» а также объявленными рядом статей, посвященных совершенствованию деятельности органов государственной власти на местах.

Область применения: местное управление, образование, научные исследования и совершенствование законодательства, повышение правового сознания граждан.

RESUME

of the Dissertation on "The Permanent Commissions of the Kengash (Council) of the people deputies of the Republic of Uzbekistan: statute and issues of organizing their activity " on specialty 12.00.02 – "Constitutional Law and Administering; Administrative Law; Financial Law" submitted by Yuldoshev Azizjon Ergash o'g'li for the scientific degree Candidate of Law

Key words: local, administering, authority, body, deputy, Kengash (Council), commission, rights, obligations, tasks, provisions, plan, method, type.

The object of research: legal statue of the permanent commissions of Kengash people deputies and legal and social issues, arising in the process of organizing their activity.

The aim of research: To analyze legal acts regulating the legal statue and activity of the permanent commissions in accordance with the democratic reforms.

The method of research: historical, systematic, comparative, formal, logical, modeling, deductive, inductive, verifying, functional analysis, statistical, and etc.

The results of research and their novelty: In the dissertation it was attempted to evaluate legal acts of permanent commissions, define some gains and shortages in applying them, show how to deal with them, provide recommendations and suggestions on how to improve and practically implement the Charter "On permanent commissions of Kengash people deputies".

Practical value of research: The results of this research, its outcomes and provisions could be used as a tutorial in organizing of the activity of the permanent commissions and deputies, in teachnig "Theory and practice of building democratic society in the Republic of Uzbekistan", in scientific researches devoted to setting up the activity of local governmental bodies, in drafting certain legal acts.

Degree of inculcate and practical effectiveness: Defined by introducing proposals on organizing the activity of permanent commissions of Kengash people deputies to the teaching and methodological tutorials on "Constitutional Law of the Republic of Uzbekistan" and "Municipal Law" and by the number of published scientific articles devoted to the ways of improving of the activity of local governmental bodies

Sphere of use: local governing, education, scientific researches and improving legislature, developing legal culture of citizens.

Босишга руҳсат этилди 29.06.2004. Ҳажми 2 босма табоқ.
Бичими 60x84 1:16. Адади 75 нусха. Буюртма 272.
М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.